

## ҲАЛОЛ РАҚОБАТ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛ

**Равшан ХИДОЯТОВ-**

Жиззах политехника институти

“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси доценти,  
иқтисод фанлари номзоди.

Тел.90 310 68 11

**Убайдулла Холмурзаев–ЖизПИ Сервис факультети,**  
Профессионал таълим йўналиши,  
552-23 гурух талабаси  
Тел. 93 483 02 15

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада “Тарақкиёт стратегияси”да белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш, ички ва ташқи бозорларда ҳалол рақобат асосида миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ғирром рақобат турли усуллари масалалари қараб чиқилмоқда.

**КАЛИТ СЎЗЛАР.** Ҳалол рақобат, рақобатбардошлик, монополия, монополистик фаолият, ғирром рақобат, таркибий ўзгаришлар, етакчи тармоқларни модеринизациялаш ва диверсификациялаш, ташқи рақобат, талаб, тармоқлараро алоқалар.

Маълумки, бош қомусимизда иқтисодий фаолиятда ғирром рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Бунинг асосий сабаби шундаки, ушбу меъёр бозор муносабатларининг асосий тамойили бўлган рақобат муҳитини янада кафолатлаш, унинг очиқ ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қиласди. Миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлиги ошиши учун ҳар хил турдаги монополияларга йўл қўйилмаслиги жуда катта аҳамиятга эга, албатта.

Хаётнинг ўзи монополистик фаолиятни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополия корхоналари самарали ишлаши учун жамоат назоратини кучайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, рақобат ва унинг хуқуқий базасини

такомиллаштириш иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида асосий вазифа эканини күрсатаяпты.

Сүнги йилларда иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши, бозорда турли молиявий, иқтисодий ҳамда мулкий муносабатларнинг янги шакллари ривожланиши натижасида пайдо бўлаётган муносабатларни монополия нуқтаи назаридан ҳам тартибга солиш мухимлиги юзага келмоқда.

Монополистик фаолиятни нафақат товар бозорларида, балки молия ва қимматли қоғозлар бозорларида, биржа савдоларида ҳам чеклаш чораларини кўришни давлатимизнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам талаб қилмоқда. Агар иқтисодиётда монополияларга барҳам берилмас экан, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар, хизматлар нархи ҳам бозор тамойилларига зидлигича қолаверади.

Барчамиз яхши биламиз, кейинги йилларда иқтисодиётда, рақобат мұхитини яхшилашда ка тта ўзгаришлар юз бермоқда. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги 100 дан ортиқ лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-тамойиллари бекор қилинди. Оқибатда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Кўплаб тарсоқларда рақобат ортди: жумладан, озиқ-овқат, мебель, текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришда.

Табиий монополиялар томонидан қўлланадиган нархларни шакллантириш усули харажатларни тежаш ўрнига уларни кўпайтиришни рағбатлантиради. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга қарамай, бозорда, реал ҳаётда ўзгаришлар, тадбиркорлар олдида турган анчагина тўсиқлар бор.

Аслини олганда охирги ўн йилликлар бутун дунё миқёсида рақобат тўғрисидаги қонунларни (улар трестларга қарши ёки монополияга қарши қонунлар, деб ҳам аталади) янада ривожлантириш ва амалиётга тадбиқ этиш даври бўлди. Шарқий Европа ва Марказий Осиёning қўпчилик мамлакатлари рақобат сиёсатининг негизи ҳисобланган бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳаётга жорий қилабошлаган бир вақтда, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ҳам бир жойда тўхтаб қолмай, амалиётда фойдаланилаётган монополияга қарши қонунчиликка ўзгаришлар киритиб борди. Шунга қарамасдан ҳозирги кунда ҳам дунёning аксарият мамлакатларида монополияга қарши қонунчилик мавжуд. Ана шу халқаро тажрибадан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, монополияга қарши кураш рақобатни ривожлантиришга хизмат қиласи.

Янги техника-технологияларни жорий қилиш, истеъмолчиларнинг талабтга жавобан товар турларини тез ўзлаштириш, малакали ишчи кучига эга бўлиш ва замонавий маркетинг хизматидан фойдаланиш кабилар рақобат курашидан ғолиб чиқиш шароитига айланади. Маълумки монополия рақобатта қарама-қарши ҳодиса, чунки у товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди.

Рақобат кураш йўлини танлаш жиҳатидан ҳам ҳарол рақобатга ва ғирром рақобатга бўлинади. Ҳалол рақобат бозордаги курашда қабул қилинган, ҳаммага мақбул усуллар билан олиб борилади ҳамда бозор қонунларига асосан олиб борилади. Ғирром рақобатда тақиқланган ва қораланган усуллар қўлланилади, яъни қаллоблик, кўзбўямачилик, сўзида турмаслик, алдаш, иқтисодий жосуслик, қўпорувчилик ва ҳатто жисмоний зўравонлик каби жинояткорона усуллар қўлланилади.

Бозор иқтисодиёти факат ҳалол рақобатни тан олади. Рақобат иқтисодиётни соғломлаштириб барқарор ўсишга олиб келади.

Шундай экан, Конституциямизда инсофсиз рақобатга, монополияга йўл қўйилмаслиги ҳақида аниқ меъёр киритилганлиги давлатнинг ҳалқимиз олдидаги масъулиятини янада кучайтиришга ҳам хизмат қиласди.

Барқарор иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модеринизациялаш ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун унга тўсиқ бўлаётган ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатининг паст бўлишига, таннархнинг эса асосиз ўсиб кетишига олиб келаётган омилларни бартараф этиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Мисол учун, корхоналарда мавжуд асбоб-ускуналар ҳамда технологияларнинг салмоқли миқдори жисмоний ёки маънавий жиҳатдан эскиришга; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада бўлмаслигига; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш, маҳсулотларнинг ҳалқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда тўлиқ ҳал этилиши лозимлиги; ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси қониқарли бўлиши лозимлигига ва бошқа шу каби омилларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эскирган асбоб-ускуна ва тахналогиялардан фойдалланган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот бирлигига моддий ва меҳнат ресурслари сарфи миқдорини камайтиришга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича рақобатбардошлигини таъминлашга эришиш мумкин эмас.

Бунга кўра, асбоб-ускуна ва тахналогияларнинг жаҳон миқёсида синовдан ўтган энг сўнги замонавий турлари билан алмаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юкори даражада сақланиб қолаётганлигини ўзининг чиқишлиарида бот-бот такларламоқда. Чунки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган истемол қилинган энаргия ресурслари ва ҳомашё материаллари миқдори ривожланган давлатлардаги шундай кўрсаткичлардан анча юкорилигича қолмоқда.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармон имзоланди. Бунга кўра, 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш тартиби жорий этилади ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилади;

2022 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи хужжатларни олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилади;

Мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш. “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” ғояси асосида 200 та экспортчини очик танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-куvvatлаш.

Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш. Каби мақсадларни ўз олдига қўйган.

Рақобатни чеклашга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олувчи чоралар тизими шаклланмаган, йирик корхоналарни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимлар устидан таҳлил ўтказиш ва самарали монополияга қарши назоратни амалга ошириш механизми ўрнатилмаган, савдолар жараёнида рақобатни чеклашнинг олдини олишнинг хуқуқий механизмлари самарасизлигича қолмоқда, монополияга қарши орган фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаган.

Милий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун бугунги кунда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилгани каби йўл-транспорт инфратузулмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. O‘zbekiston Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бойича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”2020-йил 6-июлдаги ПФ-6019-сонли фармони.

3. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт /Муалифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф.Расулов, А.М.Қодиров ва бошқалар / С.С.Ғуломов тахрири остида-Тошкент, 2006-йил 440-бет.

4. И.Каримовнинг 2011 йил яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: 2012 й. 159-163 бетлар.